

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5220100 – 2.03

201 7 йил “2” 06



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

201 7 йил “28” 06

РАҚАМЛИ ЖУРНАЛИСТИКА

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси:	220 000 – Журналистика ва ахборот
Таълим йўналиши:	5220100 – Журналистика (халқаро журналистика)

Тошкент – 201_7

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июлдаги 434-сонли буйруғининг 1-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2017 йил 2 июлдаги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Каримов А. – ЎзДЖТУ, “Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация” кафедраси мудири, ф.ф.н.

Дадахонов А. – ЎзДЖТУ, “Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация” кафедраси катта ўқитувчиси.

Такризчилар:

Маматова Я. – ЎзМУ, “Рақамли оммавий ахборот воситалари” кафедраси доценти, ф.ф.д.

Тошпўлатова Н. – ЎзДЖТУ, “Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти” кафедраси мудири, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил 28 апрелдаги 9 - сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу фан ахборот технологиялари кескин ривожланган даврда шаклланган ва ривожланиб бораётган рақамли ахборот, рақамли ОАВ ва унинг фаолияти каби масалаларни қамраб олади. Талабаларда рақамли ОАВ технологияларида ишлаш, оммавий ахборотни дизайн қилиш ва унинг сифатини яхшилаш, дунё мамлакатларида рақамли ОАВ ривож, радио, ТВ ва интернетда рақамлашув, ахборот асрида оммавий ахборотнинг рақамли форматда тайёрлаш ва узатиш жараёнларининг моҳиятини тушунишда талабаларни зарур бўлган билимлар билан қуроллантиради.

“Рақамли журналистика” фани математик ва табиий-илмий фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб, 2-курсда ўқитилиши мақсадга мувофиқ. Мазкур фан журналистика соҳасибакалавриат йўналиши талабаларига анъанавий ва онлайн журналистика, журналистик ижод жараёнларининг техник-технологик асосларини ўрганишларига ёрдам беради, келгусида талабаларнинг умумкасбий ва мутахассислик фанларидан назарий билим олишларида замин бўлиб хизмат қилади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга рақамли журналистика асослари, оммавий ахборотни рақамли форматга ўтказиш, уларни дизайн қилиш, рақамли журналистиканинг тараққиёт тамойилларини ўргатиш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларнинг рақамли журналистика асослари ҳамда рақамли ОАВ технологияларида ишлаш бўйича назарий билимлар, амалий кўникмалари ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйдаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

- рақамли журналистика хусусиятлари ва унинг тарихий тараққиёти;
- анъанавий ва электрон оав дизайни тарихи, тамойиллари, мақсад, вазифалари;
- газеталар дизайнининг доимий унсурлари;
- газета формати ва модели, нашрнинг ўлчов стереотиплари;
- рақамли радио технологиялари;
- рақамли ва сунъий йўлдошли радионинг истикболлари тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши**;
- анъанавий ва электрон матбуот технологияларини;
- матбуот нашри саҳифаларида материалларни жойлаштириш усуллари ва таҳририят стратегиясини;
- электрон нашрларнинг рақамли формати устида ишлашнинг технологик ва дастурий асосларини;
- рақамли телевидение техникасини;
- рақамли видео маҳсулотлар устида ишлаш масалаларини;
- рақамли ОАВда монтаж жараёни ва турларини;
- дунё мамлакатларида рақамли оав тараққиётини;
- ўзбекистонда рақамли оав тараққиёти кабиларни **билиши ва улардан фойдалана олиши**;
- электрон нашрларнинг рақамли формати устида ишлаш;

- рақамли радионинг тўлқинларни узатишда ва қабул қилишда рақамли технологиялардан фойдаланиш;
- онлайн нашрлар ва блоглар контентини тўлдириш ва дизайн қилиш;
- видеонинг рақамли формати устида ишлаш;
- рақамли видеони монтаж қилиш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

1-Модул. Аънавий ва рақамли ОАВ дизайни асослари

1-мавзу. Аънавий ва электрон ОАВ дизайни тарихи, тамойиллари, мақсад, вазифалари

Фаннинг мақсад ва вазифалари. Газета дизайнининг тараққий этиши. Матбуот нашрларида саҳифалашнинг миллий хусусиятлари ва мактаблари. Дастлабки хабарлар ёзилган кундалик варақларнинг тайёрланиш босқичларининг ибтидоийлиги. Ҳозирги замон кўринишидаги газеталар 18-аср ўртасида Буюк Британияда шаклланиган.

Аънавий ва электрон нашрларни саҳифалашдаги муштарак ва фарқли жиҳатлар. Ҳужжат ташқи кўринишининг ўқувчиларга психологик таъсири.

Матбуот нашрларини самарали дизайн қилишнинг асосий мақсади ўқувчиларга материалларни осон ўқишини таъминлаш эканлиги. Нашр дизайнининг ахборотни тўғри ифода этиш, онга таъсир этиш, эстетик ва рекреатив вазифаларни бажариши.

Матбуот нашрларини дизайн қилишнинг асосий саккизта тамойилининг мавжудлиги. Мазмунга уйғунлик, услубий бир хиллик, қиёслаш, йўналирилганлик, тежамкорлик, ижодий тажрибага йўл очиш, пропорционаллик, тизимлилик тамойиллари.

Мазкур тамойилларга амал қилиш нашрнинг ўқувчилар томонидан осон ўқиши ва ахборот тарқатиш фаолиятини янада самарали қилишига олиб келиши.

2-мавзу. Газеталар дизайнининг доимий унсурлари ва дизайнни шакллантирувчи аҳамиятли жиҳатлар

Газеталарнинг асосий вазифаси янгилик тарқатиш бўлса ҳам, аммо ҳозирги даврга келиб улар ўзларининг молиявий манфаатларини бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда функциясини ўзгартираётганлиги.

Газета саҳифалашда асосий эътибор материал ёки хабарнинг муҳимлиги, саҳифани ўқишнинг осон бўлиши; саҳифанинг жозибали бўлиши, ўқувчи эътиборини жалб қила олишига қаратилиши.

Ҳар бир саҳифада фокус нуқтасининг мавжудлиги. Газетани дизайн қилиш бешта тушунчага асосланиб амалга ошириши: Баланс (мувозанат), Контраст (солиштириш), Ритм, Жипслашув (бирлашув), Гармония (ўзаро мослик). Ушбу тушунчаларнинг таърифлари.

Газеталарнинг саҳифаланишида доимий ишлатиладиган элемент (унсур) лар – номи, чизиқлар, колонтитул, иллюстрация шакллари, график объектлар, колонкалар ҳақида батафсил маълумот бериш.

Газетанинг форматлари ва уларнинг ҳар хил омиллар сабабларига кўра ўзгариши. Бу элементларнинг газета фаолиятидаги йўналиш, аудитория ва худудий хусусиятларига қараб ишлатилиши.

Газетани саҳифалашда материал ёки хабарнинг муҳимлиги, саҳифани ўқишнинг осон бўлиши, саҳифанинг жозибали бўлиши, ўқувчи эътиборини жалб қила олиши учун қилинадиган ишлар. Саҳифаларда эълонлар учун жой ажратиш.

3-мавзу. Газета формати ва модели, нашрнинг ўлчов стереотиплари

Газета формати тушунчаси. Формат турлари ва ўлчовлари. Форматнинг нашр имиджига таъсири. Нашрнинг характерига кўра форматнинг белгиланиши. Маълумотни устун(колонка)ларга бўлаб беришнинг аҳамияти. Формат ва устунлар муносабати.

Газета макети (модели) тушунчаси. Макетни ташкил этувчи қисмлар. Газетани моделлаштириш босқичлари. Газета макети турлари.

Нашрнинг ўлчов стереотиплари ва уларни юзага келтирувчи унсурлар.

Даврий нашрлар амалиётида бир ёки бир неча материалларни саҳифада жойлаштиришнинг муайян усуллари мавжуд эканлиги. “ойна”, “подвал”, “чердак”, “подборка” (йиғиш) тушунчаларининг тавсифи. Матбуот нашрларини саҳифалашда бу тушнчаларни билишнинг аҳамияти. Газета саҳифасининг мазкур атамалар билан номланадиган қисмларида устунлар, шрифтлар ва рангларни қўллашга қўйиладиган талаблар.

Подборка -сўзи бир-бирдан фарқли турли материалларнинг тематик ва жанрига кўра техник жойлаштиришга тайёргарлик маъносини билдириши. Подборка техникасига кўра 2 хил тури фарқланиши: режалаштирилган ва кундалик подборка ва уларнинг изоҳи.

Нашрнинг чоп этиш сонига қараб таҳририят стратегияси ва сиёсатининг белгиланиши.

4-мавзу. Матбуот нашрларини саҳифалашда шрифтлардан фойдаланиш.

Газета дизайнининг асосий элементларидан бири – бу шрифтлар эканлиги. Матбуот нашрлари дизайнида шрифтлар қўллашнинг асосий қоидалари.

Матбуот нашрларида шрифт қўллашнинг мутахассислар томонидан тавсия этилган бир қатор талаблари мавжудлиги. Шрифтлар турлари. Шрифтларни оддий, калин, қия, кесик, қиррали ва бошқа шаклларда берилиши ва бунинг аҳамияти.

Сарлавҳаларнинг шрифтларига қўйиладиган талаблар. Реклама материалларида ишлатиладиган шрифтлар.

Сарлавҳалаш дизайни. Муайян нашр дизайнининг ўзига хос услубини кўрсатувчи характерли белгилар сирасига сарлавҳаларни жойлаштириш усуллариининг ҳам дахлдор эканлиги. Нашрларни чоп этишда сарлавҳа мажмуасини 2 усулда берилиши мумкинлиги. Табиий ва режалаштирилган усуллар ва уларнинг ўзига хосликлари.

Сарлавҳанинг вазифалари. Сарлавҳаларнинг асосий кўринишлари.

1) асосий сарлавҳа; 2) остки сарлавҳа; 3) лид ёки анонс; 4) асосий рукн; 5) остки рукн; 6) эпиграф

Маълум бир рукн ва махсус вазиятларда сарлавҳа ва шаклларни акс эттиришда махсус шрифтлардан фойдаланилиши. Оммабоп журналлар сарлавҳаларида клише ва суратлардан фойдаланиш ажралмас қисмлардан эканлиги.

5-мавзу. Журнал дизайни

Журнал форматлари ва уларнинг йўналишига қараб фарқланиши. Журналларда материаллар жойлаштиришда матн ҳажми, жойлашиши, гарнитура (шрифт) ва кегль, расм, сурат ва жадвалларнинг дизайн ва аудитория талабларига мутаносиб бўлиши.

Устунлар сони ва колонтитулларнинг профессионал танланиши ўқувчи учун аҳамияти.

Саҳифаларда ранглارнинг ишлатилиши: ҳар хил фон ва шрифт рангларининг фойдаланилишида ўқиш учун қулайлиги ва чиройли чиқишида уларнинг уйғунлашуви. Сарлавҳа, асосий матн, сноска, колонтитул ва колонцифрларда ишлатиладиган шрифт размерларининг аҳамияти.

6-мавзу. Веб-саҳифа дизайнининг ўзига хосликлари

Анъанавий ва электрон нашр дизайнларидаги асосий фарқлар. Веб-саҳифанинг тузилишига қўйиладиган талаблар. Виртуал тармоқда маълумотларнинг жуда кўплиги ва улар билан рақобатлашишда саҳифа кўриниши, дизайни ва уларда маълумотлар узатилиш усулларининг аҳамияти. Электрон нашда ишлатиладиган ранглар, шрифтлар, расмлар ва HTML тилига мосланган скриптларнинг мухлислар талабларига автоматик мослашуви. Электрон нашрларни саҳифалашдаги устунликлар ва янги технология имкониятлари.

Онлайн нашрлар ва блоглар контентини яратиш. Интернет ОАВ тури сифатидаги хусусиятлари. Онлайн нашр тушунчаси ва унинг ахборот беришдаги имкониятлари. Онлайн нашрлар контентини яратиш ва унинг таркибий қисмларини тўғри жойлаштириш масалалари. Онлайн нашрларда махсус дизайн элементларининг мавжуд бўлиши. Гиперматн, гиперилова, анимациялар, анонслар тўри, интерактив тугмалар. Онлайн нашрларда дизайн элементларидан фойдаланиш масалалари. Контент ва дизайн уйғунлигини таъминлаш муаммолари.

Интернет блоглар. Блог турлари. Расмий ва шахсий блоглар. Блоглар дизайни. Гиперматн, гиперилова тугмалари ва уларни блогларда мавжуд бўлишининг аҳамияти. Блоглар интерактив хусусиятини таъминлашда дизайн элементларининг ўрни.

Онлайн нашрлар ва блоглар контентини тўлдириб бориш ва улар дизайнини янги техник-технологиялар билан бойитиб бориш масалалари

2-Модул. Рақамли журналистика ва унинг техник-технологик асослари

7-мавзу. Рақамли журналистика хусусиятлари ва унинг тарихий тараққиёти

Журналистикага рақамлашув (дигитализация) тенденциясининг кириб келиши. Жамоатчилик ОАВ да рақамлашув. Тижорийлашган ОАВда рақамлашувнинг тез суръатларда оммаланиши. “Рақамли аср” да журналистлар фаолиятидаги янгиланишлар.

Рақамлашувнинг ахборот сифатига ва ОАВ фаолияти самарадорлигига таъсири.

Рақамли формат, рақамли камера, рақамли технологиялар тавсифи ва таснифи.

8-мавзу. Анъанавий ва электрон матбуот технологиялари

Компьютер техникаси таракқиётининг ноширлик ва матбаачилик жараёнларига таъсири. Газетчилик соҳаси тарихи. Ёзув машинкаси. Босмахона жараёни линотип машинасида кўрғошин ҳарфларни теришдан бошланиши. Компьютер техникасининг журналистикага кириб келиши матбуотчиликда том маънода инқилоб ясаши. Газета безаги. Техник воситалардан, фотография, расм, безаклардан фойдаланишда журналларнинг имкониятлари.

Нашрларнинг электрон формати тушунчаси. Рақамли ахборот ва матбуот нашрларида дигитализация. Мультимедия ва нашрлар контентдаги янгиликлар. Электрон нашрларнинг рақамли формати устида ишлашнинг технологик ва дастурий асослари.

9-мавзу. Рақамли радио технологиялари

Радио рақамли формат. Рақамли радионинг тўлқинларни узатишда ва қабул қилишда рақамли технологиялардан фойдаланиши. Аналог аудиосигналнинг рақамли радиосигналга ўтказиш.

Радио журналистлари овоз, шовқин, мусиқа ва матндан иборат бўладиган аудиоматериалларни қидириш, топиш, магнит тасмасига ёзиш, уларни турли шакл ва жанрларга тушириб монтаж қилиш, мусиқа ва интершовқинлар билан безаш, бойитиш, эфирга бериш бўйича кўплаб замонавий акустика ва электрон техника асбоб-ускуналаридан фойдаланилиши.

Рақамли радиода овознинг сифатли бўлиши. Рақамли сигналлар устида ишлаш технологиялари. Бир йўналишдаги ва икки йўналишдаги радио стандартлар. Уяли алоқа воситалари ривожланиши билан пайдо бўлган рақамли сигнал узатиш технологиялари. Рақамли ва сунъий йўлдошли радионинг истиқболлари.

10-мавзу. Рақамли телевидение техникаси

Телевизион техниканинг 4 та авлоди: 1-авлод – механик телевидение; 2-авлод – ярим механик, ярим электрон телевидение; 3-авлод – электрон телевидение; 4-авлод – рақамли телевидение. Микрофон турлари. Чироқ билан ишлаш. Чироқ билан амалга оширилган махсус эффектлар. Чироқ ва филтр. Декорация. Тасвирга тушириш техникаси – видеокамералар. ЎзТВ тарихида камералардан фойдаланишни бир нечта босқичларда кўрсатиш мумкин: 1-босқич. Тошкентдаги 1956 йил 6 ноябрдаги ilk эфир пайтидан бошлаб узоқ йиллар давомида Англиянинг “TOMSON” камераларидан фойдаланилиши. 2-босқич. 1985-86 йилларгача катта рулонли камералар камералар ишлади. Бу пайтда телевидениенинг натурадаги съёмкалари учун 16ммли қисқа плёнкали кинокамералардан фойдаланилиши. 3-босқич. 1986-87 йиллардан бошлаб Англиядан “TOMSON”нинг ихчам камералари ўзбек телевидениесига кириб келди ва съёмкалар жараёнида катта инқилобни бошлаб бериши. 4-босқич. 1994 йилдан сўнг Япониянинг “BETAKAM SP” камераларидан фойдаланилиши. 5-босқич. 2000 йилдан бошлаб “Betakam SP” рақамли (цифровой) камераларидан фойдаланиш. 6-босқич. Камералар билан бирга кассеталар сифати ҳам ўзгариб борди. Ҳозирда “SP” ва “SX” ва рақамли кассеталаридан фойдаланилиши.

Ахборот инқилоби даврида ТВнинг янги турларининг пайдо бўлиши. Аналогли, кабель, сунъий йўлдошли, рақамли, интернет ва интерактив ТВ турлари ва уларнинг фаолиятидаги муштарак ва фарқли жиҳатлар.

Рақамли ТВ тушунчаси. Аналогли кўрсатувларни рақамли форматга ўтказиш жараёни. Рақамли, сунъий йўлдошли, интернет ва мобил ТВ тушунчалари. Уларда рақамли форматдаги видео маҳсулотларининг қўлланиши.

11-мавзу. Рақамли видео маҳсулотлар устида ишлаш масалалари

Видеонинг рақамли формати устида ишлаш. Рақамли видео маҳсулотнинг таркибий элементлари. Рақамли ведонинг монтаж қилиш масалалари.

Монтаж турлари. Монтаж столи ва жараёни. Монтаж столи учун зарур техникалар: тасвир узатувчи магнитофон, тасвир қабул қилиб, монтаж қилувчи магнитофон (мастер), овоз колонкаси, микрофон, тасвир узатувчи магнитофон монитори, монтаж қилувчи магнитофон монитори.

Мураккаб монтаж столи ва жараёни. Мураккаб монтаж столи учун зарур бўлган техникалар: тасвир узатувчи магнитофон “SP”; тасвир узатувчи магнитофон “SX”; тасвир узатувчи магнитофон “VHS”; тасвир узатувчи магнитофон “DV”; монтаж қилувчи мастер магнитофон; мусика ёзиш маркази; монтаж компьютери; ёзувлар учун компьютер; овоз колонкалари; овоз созловчи ускуналар; махсус микрофонлар; ҳар бир магнитофон учун биттадан монитор.

12-мавзу. Дунё мамлакатларида рақамли ОАВ тараққиёти

Рақамли асрда журналистика. Европа давлатларида рақамли ОАВнинг пайдо бўлиши ва оммалашishi. Европа Иттифоқининг рақамли ОАВнинг ривожлантиришга доир ҳаракатлари. Ривожланаётган давлатларда рақамли ОАВ ривожли. Осиё мамлакатларида рақамли ОАВ фаолияти. Араб дунёси, Африка давлатларида рақамли ОАВ фаолияти.

IV. Семинар машғулоти бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулоти учун куйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Анъанавий ва электрон ОАВ дизайни тарихи, тамойиллари, мақсад, вазифалари
2. Газеталар дизайнининг доимий унсурлари
3. Нашрлар дизайнни шакллантирувчи аҳамиятли жиҳатлар
4. Газета формати ва модели, нашрнинг ўлчов стереотиплари
5. Матбуот нашри саҳифаларида материалларни жойлаштириш усуллари ва таҳририят стратегияси
6. Матбуот нашрларини саҳифалашда шрифтлардан фойдаланиш.
7. Журнал дизайни
8. Веб-саҳифа дизайнининг ўзига хосликлари
9. Онлайн нашрлар ва блоглар контентини тўлдириш ва дизайн қилиш.
10. Рақамли журналистика хусусиятлари ва унинг тарихий тараққиёти
11. Анъанавий ва электрон матбуот технологиялари
12. Электрон нашрларнинг рақамли формати устида ишлашнинг технологик ва дастурий асослари.
13. Рақамли радио технологиялари
14. Рақамли ва сунъий йўлдошли радионинг истиқболлари.
15. Рақамли телевидение техникаси
16. Рақамли видео маҳсулотлар устида ишлаш масалалари
17. Монтаж жараёни ва турлари.

18. Дунё мамлакатларида рақамли ОАВ тараққиёти

19. Ўзбекистонда рақамли ОАВ тараққиёти

Семинар машғулотлари мультимедиа курулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академ. гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Анъанавий ва электрон ОАВ дизайни тарихи, тамойиллари, мақсад, вазифалари
2. Анаъанавий ва электрон нашрларни саҳифалашдаги муштарак ва фарқли жиҳатлар. Хужжат ташқи кўринишининг ўқувчиларга психологик таъсири.
3. Газеталар дизайнининг доимий унсурлари ва дизайнни шакллантирувчи аҳамиятли жиҳатлар
4. Газета формати ва модели, нашрнинг ўлчов стереотиплари
5. Газета макети (модели) ва макетни ташкил этувчи қисмлар.
6. Газетани моделлаштириш босқичлари.
7. Нашрнинг ўлчов стереотиплари ва уларни юзага келтирувчи унсурлар.
8. Матбуот нашрларини саҳифалашда шрифтлардан фойдаланиш.
9. Реклама материалларида ишлатиладиган шрифтлар.
10. Сарлавҳалаш дизайни.
11. Журнал форматлари ва уларнинг йўналишига қараб фарқланиши.
12. Веб-саҳифа дизайнининг ўзига хосликлари
13. Онлайн нашрлар ва блоглар контентини яратиш.
14. Интернет блоглари дизайни.
15. Рақамли журналистика ва унинг техник-технологик асослари
16. Рақамли журналистика хусусиятлари ва унинг тарихий тараққиёти
17. “Рақамли аср” да журналистлар фаолиятидаги янгиланишлар.
18. Рақамлашувнинг ахборот сифатига ва ОАВ фаолияти самарадорлигига таъсири.
19. Рақамли формат, рақамли камера, рақамли технологиялар тавсифи ва таснифи.
20. Анъанавий ва электрон матбуот технологиялари
21. Нашрларнинг электрон формати тушунчаси.
22. Рақамли ахборот ва матбуот нашрларида дигитализация.
23. Мультимедиа ва нашрлар контентдаги янгиланишлар.
24. Электрон нашрларнинг рақамли формати устида ишлашнинг технологик ва дастурий асослари.
25. Рақамли радио технологиялари
26. Рақамли ва сунъий йўлдошли радионинг истиқболлари.
27. Рақамли телевидение техникаси
28. Рақамли видео маҳсулотлар устида ишлаш масалалари
29. Рақамли видео маҳсулотнинг таркибий элементлари.
30. Рақамли ведонинг монтаж қилиш масалалари.
31. Рақамли ТВда монтаж турлари.
32. Мураккаб монтаж столи ва жараёни.
33. Дунё мамлакатларида рақамли ОАВ тараққиёти
34. Европа давлатларида рақамли ОАВнинг пайдо бўлиши ва оммалашиши.
35. Ривожланаётган давлатларда рақамли ОАВ ривожи.
36. Осиё мамлакатларида рақамли ОАВ фаолияти.

37. Араб дунёси, Африка давлатларида рақамли ОАВ фаолияти.

38. Миллий рақамли журналистика тараққиёти.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

1. Digital Journalism: Making News, Breaking News. US, New York, Open Society Foundations. 2014, P.364

2. Harris L., Television Production & Broadcast Journalism, Second Edition. The Goodheart-Wilcox Company Inc.

Қўшимча адабиётлар

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

7. Каримов А. Аудиовизуал журналистика (тележурналистика). Т., ЎзДЖТУ, 2012.

8. Becky Herr-Stephenson, Diana Rhoten, Dan Perkel, and Christo Sims, Digital Media and Technology in Afterschool Programs, Libraries, and Museums. Massachusetts Institute of Technology, London, England, 2011, P.93

9. Digital Audio Broadcastingю Principles and Applications of Digital Radio. Second Edition. John Wiley & Sons Ltd, England, 2003. P.362

10. Guillermo Franco, The Impact of Digital Technology on Journalism and Democracy in Latin America and the Caribbean. Austin, Texas, 2009, P.86

11. Цифровое будущее. Каталог навыков медиа- и информационной грамотности /авт.: А. Ю. Домбровская и др.; пер. с англ. О.В.Терешкина; ЮНЕСКО. – Москва: Межрегиональный центр библиотечного сотрудничества, 2013. – Оригин. текст подгот. Фондом «Современная Польша».

12. Омелянюк Иван, Цифровое эфирное телевидение. Пособие для специалистов телеиндустрии. Киев, 2010. С. 148.

Интернет сайтлари

13. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.

14. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

15. Adam Westbrook, Advice for Multimedia Journalists. E-book. – UK, London, 2010. www.adamwestbrook.co.uk

16. Зельдман Дж. Говорящая структура. Создание архитектуры с выразительностью текста. <http://www.webmascon.com>
17. Нильсен Я. 10 главных ошибок в веб-дизайне три года спустя. <http://www.webmascon.com>
18. Картер М. Современный дизайн газет // <http://www.internews.ru/books/design/> 2003.
19. <http://www.webmascon.com>
20. <http://www.innovativeinteractivity.com>
21. <http://www.journalism.co.uk>

